

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР

Халима Бувабаевна Кадирова

Низомий номидаги ТДПУ в.б.доценти социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Шералиев Алишер

Низомий номидаги ТДПУ Магистратура бўлими География йўналиши 201-гуруҳ
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7438176>

Аннотация. Маълумки, ёшларнинг келажаги авваламбор давлат ва халқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ “миллий ўзликни англаш” туйғуси асосида ҳар бир мамлакатда ўзига хос миллий, давлат қурилиши ва бошқарув тизимига мос равишда ёшлар сиёсатини юритишнинг турли механизмлари ва тизимлари қарор топа бошлади.

Бундай ёндашувлар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганини кўрсатади. Шу муносабат билан ҳозирги даврда бутун дунёда ўсиб келаётган авлоднинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг ечимини топиш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

Калит сўзлар: глобаллашув, ёшлар, ренессанс, гуруҳ, ватанпарварлик, миллий тикланиш, таҳдид, интернет, мафкуравий кураш, Ватан манфаати, ахбороткоммуникация технологиялари, жамият, тарбия, миллий ўзликни англаш.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И МОЛОДЕЖЬ

Аннотация. Известно, что будущее молодежи формируется на основе чувства «осознания национальной идентичности», которое тесно связано с интересами государства и народа. В настоящее время начали определяться различные механизмы и системы проведения молодежной политики в соответствии со спецификой национального, государственного строительства и системы управления каждой страны.

Такие подходы показывают, что молодежь становится активным субъектом политики как отдельный социально-демографический слой. В связи с этим возрастает необходимость изучения и анализа проблем подрастающего поколения и поиска на этой основе их решения.

Ключевые слова: глобализация, молодежь, возрождение, гордость, патриотизм, национальное возрождение, угроза, интернет, идеологическая борьба, интересы Родины, информационно-коммуникационные технологии, общество, образование, национальная идентичность.

GLOBALIZATION AND YOUTH

Abstract. It is known that the future of young people is formed on the basis of a sense of "awareness of national identity", which is closely related to the interests of the state and the people. At present, various mechanisms and systems for the implementation of youth policy began to be defined in accordance with the specifics of national, state-building and the system of government of each country.

Such approaches show that young people are becoming an active subject of politics as a separate socio-demographic layer. In this regard, there is an increasing need to study and analyze the problems of the younger generation and search for solutions on this basis.

Keywords: *globalization, youth, revival, pride, patriotism, national revival, threat, Internet, ideological struggle, interests of the Motherland, information and communication technologies, society, education, national identity.*

Бугунги глобаллашув, трансформациялашув, замонавийлашув даври деб аталаётган замонда ҳаёт даражаси тезлашиши натижасида инсонларнинг онги ва руҳияти ўзгариб бормоқда. Айниқса, бу жараёнларнинг ёшларга бўлаётган турли таъсирлари ва бунинг оқибатида уларда шаклланаётган ўзига хос янги кайфият жамият ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай экан мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг амалга оширилиши, уларга берилаётган эътибор ва улар ҳаётидаги ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда амалга оширилаётган туб ўзгаришлардан кўзланаётган стратегик мақсад эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги ислохотларни амалга оширишдан иборат эканлиги маълум. Бу борада ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга янада кенгроқ жалб қилиш билан биргаликда уларни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги ролини ошириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай улуғвор вазифаларни бажариш улкан масъулиятни талаб қилиши шубҳасиз. Бу эса юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги бурчи ва масъулиятини сезиши, бу йўлда фидоий ва омилкор бўлиши билан боғлиқдир.

Жамиятимизнинг бугунги кундаги тараққиётини ўрганиш, хусусан баркамол авлод тарбиясида [4,-Б. 469-473.] кадрятлар омили билан боғлиқ масалаларни англашда биринчи Президент Ислом Каримов асарлари мустаҳкам назарий асос ва методологик манба бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиз. Ушбу асарларда ана шу тадрижий жараённинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг юксак маънавиятли ёш авлодни шакллантириш йўлида улкан ютуқ ва натижаларга эришаётгани, ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариб бораётгани, жумладан, маънавият, фан ва таълим-тарбия соҳаларидаги ислохотларнинг мақсад-муддаолари аниқ кўрсатиб берилган. Баркамол авлод онги ва тафаккурини тубдан ўзгартириш, янги дунёқарашни шакллантириш, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисми эканлиги алоҳида урғу берилган.

Бу борада, Президентимиз Ш.Мирзиёев "...ёшларимизни "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш ва уларни болаликдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси **Ренессанснинг энг муҳим**

б
ў
ғ
и
н
л
а
р
и

Жамиятда ёшлар масаласига эътибор қаратиш ҳар даврда ҳам муҳим саналган. Бу борадаги ишлар Ўзбекистонда маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланди ҳамда изчиллик билан давом эттирилмоқда. [6, -Б. 59-60.]

Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишингизни истардим. Мен бу ўринда ёшлар маънавияти билан боғлиқ айрим муаммоларни назарда тутаяпман дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқида. Ўзингиз гувоҳсиз, жаҳоннинг кўплаб минтақаларида ҳамон кескин вазият сақланиб қолмоқда. Турли низо ва зиддиятлар авж олмоқда.

Ҳозир бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар Интернет маконига кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти. Афсуски, баъзи ёшларимизда Интернетдан тўғри фойдаланиш кўникма ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар Интернетни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар восита деб билишади. Мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада аввало Ватан манфаатини ўйлаб иш тутиши зарур. Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу кадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак.

Шу ўринда, мен ҳурматли ота-оналар, боболаримиз ва момоларимизни, жонкуяр устоз ва мураббийларни, муҳтарам зиёлиларимиз, кенг жамоатчилигимизни бу масалага бефарқ бўлмасдан, ёшлар тарбиясига қаратилган ишларимизни янада кучайтиришга даъват этаман.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик, истеъмолчилик кайфиятидан асрашимиз зарур. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда барчамиз, аввало, сиз, азиз ёшлар фаол бўлишингиз керак”. [5.]

Шундан ҳам кўриниб турибдики мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимизни ёд бузғунчи ғоялардан айниқса маънавий таҳдидлардан асрашимиз муҳимдир. [7.] Маънавий таҳдид диний, эътиқодидан қаътий назар, ҳар қайси одамнинг эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан маънавий-руҳий дунёсини издан чиқариш мақсад қилинган мафкуравий хуружлар бўлиб бунинг таъсирида жамият ва миллат келажаги зимдан емирилишига сабаб бўлади. Ўз тараққиёт йўлига ишончсизликни келтириб чиқаради ва тақоқликга [8, Б. 420-423] олиб келади.

Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. [2.] Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахбороткоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган

умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.” [5] Шунингдек, айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва ташаббуси билан, ШХТга аъзо Давлатлар раҳбарлари кенгашида “ШХТ давлат раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати” қабул қилинди.

Маълумки, миллат, халқ бор экан, унинг маънавий дунёсида [9, Б. 5477-5489.] миллийлик доим сақланиб қолаверади. Шу боиз ёшларнинг келажаги авваламбор давлат ва халқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ “миллий ўзликни англаш” туйғуси асосида Чунки миллий ўзликни англаш орқали нафақат миллий, этник манфаатларни, балки шу билан бирга, миллий жипслиликни вужудга келтирувчи ментал хусусиятларни ҳам мақсадга йўналтириш мумкин. Шунингдек миллат характери ва менталитетининг ижтимоий-маънавий жиҳатларини англашнинг асоси ҳам ҳисобланади. [10, Б. 16-20].

Зеро, Ўзбекистон ёшлари мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий тараққиётининг таянчи, давлатчилик ривожининг куч ва қуввати ҳисобланади. Хулоса ёшларнинг келажагини, истайдиган ҳар жамият, тарбия масаласига жиддий эътибор бермоғи зарур. Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. [1] Ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги қонунида белгилаб берилган. [3] Ушбу қонун ҳужжати асосида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилиши билан бирга, уни рўёбга чиқаришни амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ҳам масъуллиги аниқ белгилаб берилган. Мазкур қонун бугунги кунда ёшлар кундалик ҳаёти билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни ҳал этишда биринчи даражали манба вазифасини ўтайди. Миллат, халқ бор экан, унинг маънавий дунёсида миллийлик доим сақланиб қолаверади. Миллий руҳда тарбиаланган ёшларни эса йўлидан адаштириш асло мумкин эмас.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2017 йил., 13- бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 37-сон, 426-модда). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2016. – 80
4. Kadirova Y. B. The Advantages of Improving Students' Civic Literacy in Building a Democratic State Governed by the Rule of Law //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 5. – С. 469-473.
5. <https://uza.uz/ru/>

6. Кадилова Х. Б. Идентичность: воспитание гармонично-развитого человека в семье //Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук. – 2016. – №. 11-12. – С. 59-60.
7. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1.
8. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 420-423.
9. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
10. Кадилова Х. Б. Научное наследие мыслителей центральной Азии //Вестник магистратуры. – 2015. – №. 2-2 (41). – С. 16-20.
11. Buvabaevna K. Y. THE IMPORTANCE OF VALUES IN ENHANCING CIVIL LITERACY IN STUDENTS //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 124-125.